



## СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Ибрагимов Бобуршоҳ Боҳодир ўғли**

PhD, Фискал институт докторанти,

Тошкент, Ўзбекистон. Email: [boburphd@gmail.com](mailto:boburphd@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-1107-0894

## ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF TAX LIABILITIES AND ITS REGULATION

**Ibragimov Boburshah Bohodir ogli**

PhD, Fiscal Institute, DSc researcher,

Tashkent, Uzbekistan. Email: [boburphd@gmail.com](mailto:boburphd@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-1107-0894

### JEL Classification: H2, H24

**Аннотация.** Мақола муаллиф томонидан солиқ мажбуриятлари ва уларни солиқ муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ мажбуриятлари тизимининг хусусиятларига баҳо берилган. Кишилиқ жамиятининг ривожланиб бориши давлат ва фуқаролар ўртасида юзага келадиган турли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ўша даврга мос равишида такомиллаштириб боришини талаоб этади. Солиқ мажбуриятлари ҳам худди шу каби доимий равишида замон ва макон талаблари асосида такомиллашиб бориши шарт ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатда солиқ муносабатларини тартибга солиши жараёнларининг самарадорлиги, давлат учун молиявий ресурсларни бюджетга барқарор равишида етказиб бершида эмас, балки давлат солиқ хизмати ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги муносабатлари шакллантира оладиган солиқ маъмуриятчилиги муҳимdir.

Мақолада солиқ мажбуриятлари тизимини таснифлашни

такомиллаштиришига оид таклифлар берилган. Давлат иқтисодий ислоҳотларга мос равишида солиқ сиёсати билан бирга солиқ маъмуриятчилигини ҳам такомиллаштириб боради. Чунки оқилона солиқ сиёсатининг ижроси тўлиқ таъминланиши солиқ маъмуриятчилиги механизмлари самарали ташкил этилишига боғлиқdir. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигини такомиллаштириши зарурлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига, назарий-хуқуқий масалаларига маҳаллий ва хорижий амалиётни ўрганиши асосида баҳо берилиши ҳозирги кун асосий масалалариданdir. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили солиқ мажбуриятлари ва уларни таснифлаш масалалари бўйича ҳамон ягона қараши мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Солиқ мажбуриятларини таснифлаш ва уларни баҳолаш масалалари ўрганилган. Шунингдек мавзу бўйича олиб борган тадқиқотлар натижаси бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришига оид таклиф ва



тавсиялар берилган. Бугунги кунда солиқ мажбуриятлари ва уни тартибга солуви мөъёрлар аниқ шакллантирилиши атрофлича кўриб чиқилган. Солиқ муносабатларини тартибга солуви норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий ўйналишлар бўйича таклиф келтириб ўтилган.

**Abstract.** The article studied tax obligations by the author and their importance in regulating tax relations. Also, the tax legislation of Uzbekistan gives an assessment of the characteristics of the system of tax obligations. The development of a personality society requires improving the system of various socio-economic relations that arise between the state and citizens in accordance with that period. Tax liabilities are also considered to be subject to continuous improvement, as is the case, based on the requirements of time and space. In addition, the effectiveness of the processes of regulating tax relations in the country is important, for the state, tax administration, which is able to form relations not only in the stable supply of financial resources to the budget, but also in the interaction of the state tax service and taxpayers.

Based on the results of the studies, proposals were made to improve the classification of the tax liability system. The state will improve tax administration along with tax policy in line with economic reforms. Because the full provision of the implementation of a rational tax policy depends on the effective organization of the mechanisms of tax administration. The main issues of the present day are the need to improve tax policy and administration with the economic reforms carried out in our country, the assessment of its socio-economic significance, theoretical and legal issues based on the study of domestic and foreign practice. An analysis of the literature on the

topic shows that there is still no single view on the issues of tax obligations and their classification. The issues of classification of tax obligations and assessment of the Ulan were studied. He also made suggestions and recommendations on improving tax administration as a result of his research on the subject. Today, the exact formulation of tax obligations and the norms governing it is considered in detail. A proposal was made in the main areas, which should be paid attention to when developing regulatory legal acts regulating tax relations.

**Калим сўзлар:** солиқ, солиқ муносабатлари, солиқ хуқуқи, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчилар, солиқ муносабатлари тизими.

**Keywords:** taxes, tax relations, tax law, tax liability, tax payer, tax relations system.

**Кириш.** Тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, хукуқбузарликларнинг барвакт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва қурай инвестиция мухитини яратиш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифалари сифатида эътироф этилади.

Шу боис мамлакатни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни тақдим этишни тартибга солишини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди [1].

Шу сабабли солиқ маъмуриятчилиги муаммоларини ўрганиш ва уни такомиллаштиришда солиқ мажбуриятлари тизимини тадқиқ этиш зарур ҳисобланади. Солиқ мажбурияти муаммоларини ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам солиқ мажбуриятлари тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда унга баҳо бериш асосида муаммолар ечимиға оид таклифлар ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Материал ва Метод.** Солиқ маъмуриятчилиги унинг иштирокчилари бўлган субъектлар томонидан ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминловчи маъмурий механизмидир. Солиқ муносабатлари иштирокчилари бўлган субъектларнинг муҳим ўзига хос хусусияти уларнинг қонун нормалари билан белгиланган аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини намоён бўлади.

Солиқ мажбуриятларини таснифлаш масалалари бўйича амалга оширилган тадқиқотларда унинг ўзига хос хусусиятларига баҳо берилган [2-9]. Аммо солиқ мажбурияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамон олимлар ва тадқиқотлар диккат марказида ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятлари ва уни ижроси масалалари илмий адабиётларда кўплаб муҳокама қилинмоқда. С.Я. Боженок [10], Е.П. Антипова [11] каби бир груп олимлар солиқ мажбуриятларининг мустақил тур сифатида эътироф этишни рад этиб, уни маъмурий жавобгарлик каби бир хил ҳуқуқий хусусиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Иккинчи груп олимлар А.Ю.Смагина, И.И. Кучеровлар [12] эса бунинг тескарисини таъкидлайдилар,

чунки биринчи навбатда, солиқ мажбурияти ўзига хос хусусиятларга, ўз ҳуқуқий базасига, яъни қонунчилигига, обьект ва субъектларига, солиқ тўловчи, солиқ органига эга эканлигини таъкидлаб, уни алоҳида мажбурият тури сифатида эътироф этадилар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили солиқ мажбуриятлари ва уларни таснифлаш масалалари бўйича ҳамон ягона қараш мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис солиқ мажбуриятларини таснифлаш ва уларни баҳолаш масалалари долзарб ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятларини таснифлаш масалалари бўйича тадқиқотларни олиб бориш ва унинг натижаларини асослаш мақсадида мавзуни ўрганишда мантиқий фикрлаш, анализ, синтез, таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар.** Солиқ қонунчилиги бузилиши учун жавобгарлик солиқ муносабатларининг муҳим элементи ҳисобланади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш давлатга тегишли бўлган мулкга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш, унинг иқтисодий манфаатларига зиён етказиш ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқлар ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаши солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлигини бузилиши ва жамиятда ижтимоий кескинликлар ҳамда сиёсий бекарорликни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган [13]. Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи ҳисобланади. Демак, бурчни бажариш ихтиёрий асосда амалга

оширилишини инобатга олсак, солиқлар ва маҳаллий йигимлар ихтиёрий равища белгиланган муддатларда, тўлиқ солиқ тўловчи томонидан солиқ органлари томонидан маъмурий чоралар қўлланмасдан тўланиши зарурдир.

Мажбуриятлар тизими кенг қамровли бўлгани сабабли бир гуруҳ тадқиқотларда хуқук ва мажбуриятлар тизимини уч гурухга бўлиш зарурлигини [14], иккинчи гуруҳ олимлар эса уни тўрт гурухга бўлишни таклиф этади [15]. Иккинчи гуруҳ олимлар солиққа оид хуқук ва мажбуриятлар тизимини куйидаги гурухларга бўлиш тавсия этган;

- солиқ ҳуқуқи лаёқатига эгалик, яъни бошқа солиқ-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этишидан қатъи назар, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасига эга бўлиши лаёқати;

- солиқка оид муомалага лаёқатлилик, яъни шахснинг юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни мустақил амалга ошириш лаёқати;

- солиқ тўлашга лаёқатлилик, яъни солиқка оид ҳуқуқбузарликлари бўйича ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиши лаёқати;

- солиқ жараёнлари битимига лаёқатлилик, яъни фуқаролик битимлари тузишни шахсан амалга оширишига лаёқатли бўлиши.

**Мунозара.** Демак, солиқ хуқукий муносабатлар субъектлари солиқ қонунчилигида кўзда тутилган муайян хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслардир. Бир томондан улар солиқ тўловчилар, иккинчи томондан эса солиқ назорати ваколатларини амалга ошириш хуқуқига эга давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлари дир. Солиқ муносабатлар субъектларини бундай таснифлаш солиқ муносабатларини

хуқуқий тартибга солишни хусусий ва давлат тамойиллари нисбати жихатидан тақсимланишини ифодалайди. Бу уларнинг манфаатларининг ўзига хослигини тўлиқ акс эттиради ва қарама-қаршилик ва низоларнинг мавжудлигини изоҳлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йигимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш солиқ мажбурияти, деб эътироф этиб, унинг тизимини белгилаб беради [15]. Шунга мос равища солиқ тўловчи томонидан ушбу мажбуриятлар тизимини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланиладиган жазо тизими умумий шартлари ҳам Солиқ Кодексида белгиланган.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жазо чораларидан фарқ қиласди. Ушбу тоифага кирувчи ҳуқуқбузарликлар фақат маъмурий ёки жиноий жазо билан чегараланмайди. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қўшимча равища молиявий жазо чоралари ҳам қўлланилади(1-жадвал).

Демак, солиқ мажбуриятини бузганлик учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳолат солиқ ҳуқуқбузарлиги бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарлик ўз навбатида уни ташкил этувчи объектив ва субъектив белгилар тўплами ҳамда ҳуқуқбузарлик обьекти билан тавсифланади.

Фикримизча, солиқ мажбурияти ва уни бажаришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти давлатнинг ўз вазифаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашда намоён бўлади. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик



содир этилиши қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади :

- ҳуқуқбузарликнинг обьекти, яъни, солик соҳасида қонун билан ҳимояланган ижтимоий муносабатлар тизими мавжудлиги;
- солик қонунчилигига белгиланган меъёrlарни бузилишига оид

қўлмии (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) белгилар тўплами мавжудлиги;

- солик жиноятининг субъекти, яъни, уни содир этган ва қонуний жавобгарликка тортилиши зарур бўлган шахснинг мавжудлиги.

### 1-Жадвал

#### Солик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва солик қонунчилигига белгиланган жазо чораларининг ўзига хос жиҳатлари<sup>1</sup>

Ҳуқуқбузарликни белгилаш мезонлари	Солик қонунчилигига мувофиқ (27-29 боблар ЎзР.СК)	Солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича белгиланган маъмурий жавобгарликлар (ЎзР. МЖТК 13 -БОБ)
Объект	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Солик кодексида соликларни ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва тўлашни мажбурийлиги бўйича белгиланган муносабатлар тизими	Солик тўловчиларнинг соликларни ҳисоблаш, ҳисобга олиш, тўлаш, ҳисоботлар тақдим этиш каби солик мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ муносабатлар тизими
Субъект	Солик тўловчи юридик ва жисмоний шахслар	Мансабдор шахслар, жисмоний шахслар
Айборлик шакли	Қасдан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган	Қасдан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган
Жазо чоралари	Солик қонунчилигига белгиланган миқдорда, даромадга нисбатан фоиз ёки БХМига нисбатан ёхуд даромаднинг миқдорига кўра қўлланиладиган моливий жарималар	МЖТКда белгиланган миқдордаги маъмурий жарима

Солик мажбуриятларини бузиш учун жавобгарликнинг ўзига хослиги

шундаки, унинг таркиби турли ҳуқуқий соҳаларида намоён бўлиши билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси СК ва МЖТКларга асосан муаллиф ишланмаси.



характерланади. Солиқ муносабатлари механизмини ҳуқукий ҳимоя қилиш молиявий, жиной, маъмурий ва божхона қонунлар билан таъминланади. Шу сабабли солиқ мажбуриятларини бузиш учун жавобгарликда тармоқлараро ҳуқукий тузилмалари иштирок этади.

Тадқиқотлар солиқ тўлашдан бўйин товлаш давлатнинг солиқ тизими билан бир вақтда пайдо бўлган ва параллел равишда ривожланганигини қўрсатади. Солиқ тўловчиларнинг айрим гурухлари мол-мулклари бир қисмини давлатга солиқ сифатида беришни истамайдилар ва солиқ билан боғлиқ ахборотларни яширадилар. Давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳамда солиқ тўловчилар томонидан содир этиладиган бундай харакатларни олдини олиш мақсадида, соликлар тўлашдан бўйин товлаган шахслар билан курашиб, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик учун жавобгарлик тизимини белгилашга мажбур бўлади. Албатта, солиқ муносабатлари ривожланишининг турли босқичларида соликқа оид ҳукуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси турлича баҳоланади.

**Хулоса.** Шу сабабли солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, вазифалари, соликдан бўйин товлаш учун белгиланадиган жазо турлари ва микдорлари давлатлар томонидан либераллаштириб борилган. Ўзбекистон Республикасида XX-асрнинг 90 йилларида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари бошланган бўлиб, шу даврда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, вазифалари кўп ва солиқ соҳасидаги ҳукуқбузарлик учун қўлланиладиган молиявий жазо чоралари даражаси юқори бўлган.

Солиқ муносабатларини тартиба солиши механизмларининг тарихий ривожланиши бўйича ўтказилган

тадқиқотлар натижасида қуйидаги қонуниятларни кузатиш мумкин:

- солиқ мажбуриятлари ва уни ижросини тартибга солиши мезонлари жамиятнинг иқтисодий ривожланиши даражасига боғлиқ;
- жамиятда аҳоли фаровонлигини оширишида давлат томонидан солиқ юки камайтирилади;
- солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун жазо даражаси янада либераллаштирилади.

Бугунги кунда солиқ мажбуриятлари ва уни тартибга солувчи меъёрлар аниқ шакллантирилган. Солиқ муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқукий ҳужжатларни ишлаб чиқишида қонун чиқарувчи томонидан олимлар томонидан таклиф этилган қуйидаги талаблар инобатга олиниши зарур, деб ҳисоблаймиз:

- солиқ мажбуриятларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жазо тайинлашида унинг ҳусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциал жазо чораларини назарда тутиши;
- жазо даражаси содир этилган қилмишига ва бюджетга етказилган зарар мутаносиб бўлиши;
- бир хил ҳукуқбузарлик учун икки марта жазо тайинланишига йўл қўймаслик;
- жазо тайинлашида айборликнинг ҳусусиятлари, айни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олинишини таъминлаши.

Ушбу тамойиллар солиқ муносабатлари тарихий ривожланиши узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб шаклланган. Шу сабабли уларни солиқ муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқукий ҳужжатларни ишлаб



чиқишида инобатга олиниши солиқса оид мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун хизмат қиласди.

Мамлакат солиқ маъмуриятчилигининг ривожланиш даражаси солиқ тизимини оқилона ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу

муносабат билан, давлат учун молиявий ресурсларни бюджетга барқарор равища етказиб бериш эмас, балки солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида бир-бирига бўлган ишонч ва ҳурмат муносабатларини шакллантирадиган солиқ маъмуриятчилиги тизимини яратиш жуда муҳимдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПҚ-101-сонли Қарори. Т.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2022 йил 9 апрель.
2. Б.И.Исройлов, О.Т.Исаев. Солиқ тизими асослари. Дарслик. “Фан ва технологиялар”.2013 й.
3. Б.И.Исройлов. «Солиқ тизими». Ўқув қўлланма. Фан ва технологиялар”. 2016 й.
4. B.I.Israilov, B.B.Ibragimov. Issues of using economic analysis in ensuring tax control. // Finance Journal, 2015. Vol. 69-73.
5. Б.И.Исройлов. Солиқлар, ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т: «Ўзбекистон», 2006 й.–272 бет.
6. Б.И.Исройлов. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг назарий-метологик муаммолари. Т.:2007 й., док. дис.
7. Б.И.Исройлов, Б.Б.Ибрагимов. Актульные вопросы совер-шенствования системы учета, анализа и аудита в организациях, МНПК, г.Томбов, 13 февраль 2014 г.
8. Ибрагимов Б.Б. Солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлашнинг тартибга солишини долзаб масалалари. // Бизнес эксперт, -Тошкент, 2019. №8, Б.-80-84.
9. Ибрагимов Б.Б. Солиқ мажбурияти ва уни таснифлаш масалалари. Агроилм, 2019 й. №2, 112-115 б.
10. С.Я.Боженок Источники государственных доходов. -М.: НУОАОУ, 2013. - 232 с.
11. Е.П.Антипова Налоговая ответственность как вид административной ответственности// Административная юстиция: международный опыт и перспективы развития в России: сб. статей. - Санкт-Петербург. - 2012. - С. 124-129.
12. А.Ю. Смагина, И.И. Кучеров. Налоговая ответственность как вид юридической ответственности. // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Юридические науки. - 2016. - № 3(26). - С. 98-102.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси", 1993 йил, 1-сон, 4-модда.
14. С.Д. Радченко Злоупотребление правом в налоговых отношениях // Юрист. 2005. № 10. С. 23., Л.А. Калинина Проблемы административной ответственности за нарушения финансового и налогового законодательства // Законодательство. 1999. № 8. С. 33



15. С.Лущаев Становление законодательства о юридической ответственности за налоговые правонарушения // История государства и права. 2006. № 8. С. 18 – 19, Ю.А. Крохина Правовая охрана механизма налоговых отношений // Финансовое право. 2010. № 11. С. 28.
16. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 31 декабрь, 02/19/СК/4256-сон.
17. Natalya A. Shibaeva, Anna I. Zarudneva, Anastasia A. Sozinova, Alexander V. Shubaev and Alexander N. Alekseev. Restructuring of Tax Liabilities as an Upcoming Trend of Economic Diversification in Modern Russia.//Optimization of the Taxation System: Preconditions, Tendencies and Perspectives. pp 83–89
18. Zulfa Rosharlianti, Rahmat Hidayat. The effect of tax planning and deferred tax liabilities on earnings management. // EAJ (Economics and Accounting Journal) 2(2):124. p124-132
19. J. Booysen W. Booysen. A risk management strategy to identify and prioritise factors affecting industry's carbon tax liability // South African Journal of Industrial Engineering November 2018 Vol 29(3) Special Edition, pp 26-39